

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2026 йил февраль ойининг 24 куни, соат 14:30да жиноят ишлари бўйича Пастдарғом туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи судья М.А.Эргашев, халқ маслаҳатчилари О.Холиқов ва З.Умаровадан иборат таркибда, судья ёрдамчиси У.Кудратовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Пастдарғом туман прокурори ўринбосари А.Хўжамкулов, судланувчи Ж.Уралов ва унинг ҳимоячиси-адвокати Н.Собировнинг иштирокида, судланувчи Уралов Жаҳонгир Ифтихор ўғлига оид №1-1413-2601/63-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Уралов Жаҳонгир Ифтихор ўғли, 2001 йил 19 июль куни Пастдарғом туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, муқаддам судланмаган, оилалик, вақтинча ишсиз, Пастдарғом тумани, “Қатта Найманча” маҳалласида яшаган, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2022 йил 7 май кунги ажримига кўра, сиртдан “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланиб, қидирув эълон қилинган ва 15.11.2025 йил ушланган, айблов хулосаси нусхасини 02.02.2026 йил олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244²-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд ҳайъати судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни;-

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Ж.Уралов 2019 йил март ойидан 2021 йил август ойига қадар қисми суд томонидан ҳукм қилинган шахслар билан биргаликда Пастдарғом туманида жойлашган “Мир Сайид Барака” номли жоме масжиди, қисми суд томонидан ҳукм қилинган шахсларнинг Пастдарғом тумани, “Кичик Найман” МФЙда жойлашган яшаш хонадони ва бошқа хуфиёна жойларда, ноқонуний диний йиғилишлар ўтказиб, мазкур йиғилишларда ўзларига тегишли бўлган уяли алоқа воситаси орқали “Жиҳодчилар” ДЭОнинг раҳнамолари “Абдуллоҳ Зуфар”, “Абу Салоҳ”, “Содиқ Самарқандий” ва бошқаларнинг диний экстремизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, “жиҳод”га чорловчи маърузаларини тинглашиб, муқаддас қуръон суралари нотўғри талқин қилиниб, ҳақиқий адолат шариятга асосланган ислом давлатидагина мавжуд бўлиши, фаровон ҳаёт ягона араб халифалиги қурилгандагина мумкин бўлиши кўрсатилиб, ўз аъзоларини ғоявий жиҳатдан “жиҳод” йўли билан дунёвий



давлат тузумларини ағдаришга, Сурия, Ирок ва бошқа давлатларнинг худудларида жойлашган махсус ҳарбий “мужоҳид”лик ўқув базаларида ҳарбий тайёргарликдан ўтказиб, террорист-қўпоровчиларни тайёрлаш, шариат қоидаларини ҳаётга татбиқ қилиш, “жиход” олиб бориш йўли билан амалдаги дунёвий давлатни заифлаштириб, ягона Халифатни куришга оид даъватларни тинглаб, мазкур ноқонуний “жамоат”да иштирок этиб келган.

Бундан ташқари, судланувчи Ж.Уралов ўзининг ҳаракатларини давом эттириб, 2021 йил 30 август куни Самарқанд вилоятидан Миср Араб Республикаси Қоҳира шаҳрига бориб, у ерда бўлиши давомида терговда аниқлашни имкони бўлмаган шахслардан “ҳужра” кўринишида “Салафийлик” ДЭО ғоялари бўйича диний таълим олиб, оқим ғояларини қўллаб-қувватлаб келган.

Шунингдек, судланувчи Ж.Уралов Миср Араб Республикаси Қоҳира шаҳрида бўлиши давомида, жинойий шериклари қисми суд томонидан ҳукм қилинган шахслар иштирокида, ўзлари томонидан ижарага олинган Қоҳира шаҳри 10-туманида жойлашган яшаш хонадони ва бошқа “хуфия” жойларда ноқонуний диний йиғилишлар ўтказиб, мазкур йиғилишларда ўзларига тегишли бўлган уяли алоқа воситаси орқали “Ислом давлати” террорчилик ашкilotининг раҳнамоларига тегишли бўлган диний экстремизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, маърузаларни тинглашиб, маърузаларда келтириб ўтилган фикрларни қўллаб-қувватлаб, ноқонуний “жамоат”да иштирок этиб келган.

Судланувчи Ж.Уралов суд мажлисида суднинг ҳукмида қайд этилган ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган ўз кўрсатувида, 2019 йил март ойларида “Мир Сайид Барака” номли масжидга борган вақтида, ҳамқишлоқлари Ж.Нурмуминов, М.Собиров, М.Рахмонов, А.Пулатов ва А.Саидмуродовлар билан ўзаро яқин бўлиб кетгани, ўша вақтлари масжидда ўзаро йиғилган вақтларида, Ж.Нурмуминов уларга Ўзбекистонни куфр юрти эканлиги, расмий имомларини “сарой мулласи” деб, уларни ҳақиқатни айтмасдан, давлатнинг топшириғига асосан фатво бериши, уларнинг диний даъватларига амал қилмаслик, сайловларда иштирок этмаслик, президентни сайламаслик ҳақида тушунтириш бериб, “Абдуллоҳ Зуфар”нинг диний билими кучли эканлигини ва унинг маърузаларини тинглаш кераклиги, унинг маърузаларида келтириб ўтилган фикрларни тўғри эканлиги ҳақида даъватлар қилгани, Ж.Нурмуминовнинг даъватлари натижасида ўзига тегишли бўлган уяли алоқа воситаси орқали Интернет тармоқларидан “Абдуллоҳ Зуфар”нинг диний мазмундаги маърузаларини тинглашни бошлагани, “Абдуллоҳ Зуфар”нинг маърузалари асосан “жиход” ҳақида бўлиб, “жиход”ни фарз бўлгани, Сурия Араб Республикасига “ҳижрат” қилиб, “кофир”ларга қарши “жиход” қилиш кераклиги, у ерда мазлум-мазлума мусулмонларни кофирлар томонидан қийноққа солиниб, ўлдирилаётганлиги, ислом дини қоидалари асосида яшаш лозимлиги ва бошқа мазмунда бўлгани, диний билими бўлмагани сабабли, шунингдек Сурия Араб Республикасида мусулмонларни кофирларда ҳимоя қилиш учун “ҳижрат” ва “жиход” тўғри экан деб ўйлаб, қўллаб-қувватлашни бошлагани, Ж.Нурмуминовнинг кўрсатмасига асосан диний



Йиғилишлар ҳафтасига 2-3 мартаба масжидда “хуфтон” намозидан сўнг ўтказиб келгани, шунингдек уларнинг диний йиғилишлари А.Пулатов ва М.Собировларнинг яшаш хонадонларида ҳам ўтказилгани, А.Пулатовнинг яшаш хонадониди бўлиб ўтган диний йиғилишларида, унга тегишли бўлган “Redmi” русумли уяли алоқа воситаси орқали “Абдуллоҳ Зуфар”нинг “жиход” ва бошқа мазмундаги маърузаларини тинглаб, маърузаларда келтириб ўтилган фикрларни тўғри деб қўллаб-қувватлаганликларини, ушбу йиғилишлари 2019 йилнинг август ойига қадар давом этгани, 2019 йил август ойининг ўрталарида Ж.Нурмуминов диний таълим олиш учун Миср Араб Республикасига кетиб, 2020 йилнинг ёз фаслида “Ал-азхар” университетига ўқишга киргани, шундан сўнг, у доимий равишда унга ҳам диний таълим олиши учун Миср Араб Республикасига келишини айтиб келгани, Ж.Нурмуминов Миср Араб Республикасига кетганидан сўнг, А.Саидмуродов сартарошлик билан шуғулланишни бошлагани, М.Собиров Қозоғистон Республикасига ишлаш мақсадида кетганлиги сабабли уларнинг диний йиғилишларида иштирок этмай қўйгани, сўнгра у А.Пулатов ва М.Рахмонов билан бирга йиғилиб, ўзларига тегишли бўлган уяли алоқа воситаси орқали Интернет тармоқларидан “Абдуллоҳ Зуфар” ва бошқаларнинг “ҳижрат” ва “жиход” ҳақидаги маърузаларини тинглаб, маърузаларда келтириб ўтилган фикрларни барчалари тўғри деб ҳисоблаб келишгани, 2020 йилнинг куз фасли охирида А.Пулатов ўзларининг “биродар”ларидан деб, диний йиғилишларига Ж.Эгамбердиевни олиб келгани, Ж.Эгамбердиев уларнинг диний йиғилишларига қўшилганидан сўнг, улар билан биргаликда “Абдуллоҳ Зуфар”, “Абу Салоҳ” ва бошқаларнинг маърузаларини томоша қилиб, сигарет чекишни ташлаб, улар билан биргаликда намоз ўқиш учун “Мир Сайид Барака” масжидига боришни бошлагани, 2021 йилнинг январь ойининг бошларида “Мир Сайид Барака” масжидида намоз ўқиб бўлганларидан сўнг, А.Пулатовни яшаш уйига бориб, диний мазмундаги маъруза тинглашларини айтгани учун М.Рахмонов ва Ж.Эгамбердиев билан биргаликда А.Пулатовнинг уйига боришгани, у ерда А.Пулатов ўзига тегишли бўлган уяли алоқа воситаси орқали “You tube”дан “Абдуллоҳ Зуфар”нинг тахминан 10 дақиқадан иборат бўлган диний мазмундаги видеосини қўйиб бергани, видеода “Абдуллоҳ Зуфар”нинг Сурия давлатига “жиход” қилиш, у ерда “кофир”лар қўлида қийналаётган муслима аёлларни қутқариш учун жанг қилиш кераклиги ҳақидаги фикрлари келтириб ўтилган бўлгани, сўнгра “Абдуллоҳ домла”нинг қиёмат ҳақидаги видеосини қўйиб бергани, орадан тахминан 2 ҳафта ўтганидан сўнг, яна юқоридаги шериклари билан биргаликда А.Пулатовнинг яшаш уйига бориб, унга тегишли бўлган уяли алоқа воситаси орқали “Абдуллоҳ Зуфар”, “Абу Салоҳ”нинг “жиход” ҳақидаги, сўнгра Сурия давлатидаги жанг бўлаётганлиги, одамларни отиб ўлдирилганлиги тасвирланган видеоларини томоша қилишгани, уларни ушбу йиғилишлари 2021 йил август ойига қадар давом этгани, 2021 йил 30 август куни Ж.Нурмуминовнинг таклифига асосан диний таълим олиш мақсадида Миср Араб Республикасининг Қоҳира шаҳрига боргани, Қоҳира шаҳридаги аэропортда уни Ж.Нурмуминов ва унга олдиндан таниш бўлмаган Қирғизистонлик “Абдурахмон” акалар кутиб олишиб, ўзлари



истиқомат қилаётган Қоҳира шаҳрининг 10-туманида жойлашган квартирага олиб боришгани, ушбу квартирага борган вақтида, Ж.Нурмуминов, М.Рахмонов, А.Пулатов ва Қирғизистонлик “Абдурахмон” акаларни истиқомат қилишини билгани, у ушбу квартирага борган вақтида, Ж.Нурмуминовни “Ислом давлати” (“Давла”чи) ва “Абдурахмон” акани “Салафий” бўлганлиги ҳамда уларнинг ақидалари бир-бирига тўғри келмаганлиги сабабли, муносабатлари яхши эмаслигини билгани, уни ушбу квартирага Ж.Нурмуминов олиб келганлиги сабабли, “Абдурахмон” ака уни ҳам Жавохирни шериги деб, орадан тахминан 1 ҳафтадан сўнг бошқа квартирага чиқиб кетгани, у “Абдурахмон” ака билан тахминан 1 ҳафта давомида биргаликда истиқомат қилган бўлса-да, унга бирор оқим ғоялари бўйича даъват қилмагани, Миср Араб Республикасига боргандан сўнг, Ж.Нурмуминов квартирада унга Сурия Араб Республикасидаги “жамоат”лар куфрда эканлиги, АҚШ ва Россия каби давлатлар билан келишганлиги ва ҳақиқий жамоат “Ислом давлати” (Давла) эканлиги бўйича даъватлар қилиб, “Давла”нинг шайхларини маърузаларини тинглашни айтгани, шундан сўнг, у “Давла”га тегишли бўлган маърузаларини тинглаб, маърузаларда келтириб ўтилган “ҳижрат” ва “жиҳод” ҳақидаги тушунчаларни тўғри деб қўллаб-қувватлашни бошлагани, бундан ташқари, Ж.Нурмуминов Ўзбекистондаги сиёсатни қоралаб, у ердаги демократияни “куфр”да айблаб, ҳуқуқ тартибот идораларини “тоғут”га хизмат қилишда, сайловга бормаслик кераклиги, расмий давлат имомларини “сарой муллалари” деб тушунтириш бериб келгани, у Мисрга борган вақтида, Ж.Нурмуминов унга “Абдулҳафиз” исмли шахсдан “хужра” кўринишида “Асадуллоҳ” исмли бола диний таълим олганлигини айтгани, орадан тахминан 5-6 ой ўтганидан сўнг, Ж.Нурмуминовнинг ишлари кўпайиб, бўш вақти қолмаганлиги сабабли унга диний таълим олиши учун “Асадуллоҳ”га боришини ва унга бу хусусда айтиб кўйгани, “Асадуллоҳ” 10-тумандаги “Суқурқурайш” номли масжид яқинида истиқомат қилишини айтганидан сўнг, у “Асадуллоҳ”нинг уйига диний таълим олиш учун бориб, тахминан 2 ой давомида “Салафийлик” оқими аъзоси, Саудия Арабистонлик шайх “Усаймин”га тегишли бўлган “Усул-фикҳ” дарслиги бўйича таълим олгани, “Асадуллоҳ” “такфир”га мойил одам бўлгани, ундан диний таълим олиши давомида унга ўзини “Давла” тарафдорлиги, “Давла”нинг ақидаси тўғри эканлиги, “Давла”ни “куфр”га йўл бермаган “жамоат” эканлиги ҳақида айтган бўлса-да, лекин “Давла”га аъзо бўлиши, уни ғояларини қўллаб-қувватлаши кераклиги ҳақида даъватлар қилмагани, ўша вақтлари Рахмонов Мунир Қоҳира шаҳри 10-тумандаги “Нурмуҳаммадий” масжиди олдида Тошкентлик “Ҳайят Таҳрир аш-Шом” тарафдори “Юсуф” акадан “хужра” кўринишида араб тили бўйича диний таълим олгани, шунингдек, “Юсуф” аканинг “хужра”сида “Абдулазиз” ва “Зубайр”лар диний таълим олишгани, “Юсуф”нинг “Ҳайят Таҳрир аш-Шом” тарафдори бўлганлиги сабабли, “Абдулазиз” ва “Зубайр”ларни ҳам “Ҳайят Таҳрир аш-Шом” тарафдори деб ўйлагани, ўша вақтлари танишлари орқали 10-тумандаги “Суқурқурайш” номли масжид олдида Тошкентлик “Иброҳим” деган одамнинг “хужра”си борлиги ҳақида эшитиб қолиб, ушбу “хужра”да диний таълим олиш мақсадида М.Рахмонов билан боргани, “Хужра”га Тошкентлик “Абдурахмон”



ака масъул бўлгани, мазкур “хужра”га борган вақтларида, “Иброхим”ни чет давлатга кетганлигини, у ерда Тошкентлик “Жавзий”ни таълим олаётганлигини билгани, ўқиш давомида “Жавзий” унга Миср Араб Республикасига 2020-2021 йилларда келганлиги, қидирувда эканлигини, Тошкент шаҳрида ресторанларнинг бирида ошпаз бўлиб ишлагани айтгани, “Хужра”да “Абдурамон” уларга тахминан 5-6 ой давомида пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.нинг ҳаёти ҳақидаги “Фатҳ ул мажид” (муаллифи Муҳаммад Абдулвахҳоб) ва “Нурул яқин” номли китоблардан дарс бергани, сўнгра “Абдурахмон” диний билимини ошириши учун Мавритания давлатига кетгани, 2022 йилнинг март ойида ота-онаси билан гаплашган вақтида, яшаш уйига орган ходимлари келишиб тинтув ўтказишганини айтишгани, кейинчалик унга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, қидирув эълон қилинганлиги ҳақида ҳам эшитгани, 2023 йилнинг бошларида у Қоҳира шаҳридаги “Фажр” номли марказга ўқишга кириб, у ерда тахминан 5-6 ой давомида “Байна ядак” (араб тили грамматикасини ўргатади) номли китобдан араб тили грамматикасини ўргангани, ўқишдан бўш вақтларида уяли алоқа воситаси савдоси билан шуғуллангани, уяли алоқа воситаси савдоси билан шуғулланиши давомида ўзини Наманганлик “Нозимжон” деб таништирган бола билан танишгани, у бола унга бир маротаба Афғонистон Ислом Республикасидаги “Давла” жамоатига бориб кўшилиб, “жиҳод” қилишни таклиф қилгани, уни ўша вақтда паспорти бўлмаганлиги ҳамда “Давла” ичида турли ихтилофлар бўлганлиги сабабли, уни ушбу таклифига рад жавобини бергани, 2023 йилнинг ўрталарида у “Асадуллоҳ”, “Жавзий”, Тошкентлик “Юсуф” ва А.Пўлатов билан биргаликда Мисрлик “Хусан Жад” исмли шайхдан “Салафийлик” оқими бўйича диний таълим олишни бошлагани, “Хусан Жад” уларга “Салафийлик” оқимининг “Маарижул қабул” номли китобидан дарс бергани, китобда мусулмонни иймон келтириши, адашган тоифаларга қандай раддия бериши ва бошқа мазмунда тушунтиришлар берилгани, 2024 йилнинг тахминан май ойида Қоҳира шаҳрида Тошкентлик “Давла” тарафдори бўлган “Абдурахим” билан танишиб, тахминан 4 ой давомида у билан биргаликда савдо билан шуғуллангани, савдо яхши бўлмаганлиги сабабли ишни тўхтатгани, 2024 йилдан бошлаб у Интернет тармоқлари орқали “Иброхим” исмли шахсдан “Салафийлик” оқимига тегишли бўлган “Шах усул-эътиқод” (“Салафийлик” оқимининг эътиқодларини ўргатади) ва бошқа китобларидан диний таълим олишни бошлагани, у “Иброхим”ни кўрмаган бўлса-да, уни овозидан тахминан 40 ёшларда деб ўйлагани, шунингдек, ўша вақтда “хужра”да Тошкентлик “Икрима” исмли шахсдан “40 ҳадис” китоби бўйича диний таълим олгани, бироқ уни қайси оқим тарафдори эканлиги ҳақида маълумотга эга эмаслиги, тахминан 5-6 ойдан сўнг, “Икрима”ни Мисрдан Ўзбекистонга “депорт” бўлгани ва Ўзбекистонда қамалганлигини эшитгани, 2024 йилнинг ёз фаслида Қоҳира шаҳридаги марказда диний таълим олаётган вақтида, “Давла” тарафдори бўлган Тошкентлик “Ўткир” ака исмли шахс билан танишгани, ўзаро суҳбат давомида “Ўткир” унга Туркия Республикасидаги танишлари орқали ўзига бошқа давлатнинг паспортини яساتганлигини айтгани, уни ўша вақтда паспорти



бўлмаганлиги сабабли, “Ўткир”дан ҳам харажат бўладиган бирор давлатнинг паспортини тайёрлаб беришини илтимос қилгани, сўнгра, “Ўткир” 800 АҚШ доллари эвазига унга Қирғизистон Республикасининг сохта паспортини тайёрлаб бергани, паспортдаги исм ва фамилияси Уролов Жасур Ихтиёр ўғли бўлгани, у ушбу паспортни олганидан сўнг, бирор чет давлатга чиқишда фойдаланмагани, ўша вақтда у М.Рахмонов билан гаплашган вақтида, у Туркия Республикаси орқали Украина давлатининг Киев шаҳрига бориб, савдо билан шуғулланаётганлигини айтгани, 2024 йилда Мавритания давлатида бўлган “Умар” унга кўнғироқ қилиб, бир танишини Туркиядан Мисрга келаётганлигини ҳамда уни бирор квартирага жойлаштиришда ёрдам беришини илтимос қилгани, орадан бироз вақт ўтиб, Туркия давлатидан Мисрга “Умар”нинг таниши келиб, уларнинг квартирасига келиб жойлашгани, ўзаро суҳбатлар давомида, уни исмини “Салмон” деб таништириб, 1997 йилда туғилганлигини, Наманган вилоятидан эканлигини маълум қилгани, “Салмон” ҳам “Давла” тарафдори бўлгани, чунки у билан гаплашганида унга “Давла” тарафдори эканлиги, “Умар” билан доимий равишда алоқа олиб бориши, Суриядаги “Давла”чи билан гаплашгани ва ташкилот шахсларини маърузаларини тинглаши ҳақида айтгани, “Салмон” тахминан 1 ой давомида улар билан биргаликда туриб, сўнгра оиласини олиб келишини айтиб Ўзбекистонга қайтиб кетгани, 2025 йилнинг октябрь ойида Гиза шаҳрида жойлашган Ўзбекистон Республикаси элчихонасига Ўзбекистонга қайтиш учун сертификат олиш бўйича мурожаат қилгани, чунки 2022 йилда Ж.Нурмуминов Миср полицияси томонидан қўлга олинди, улар турган квартирасини текширган вақтида паспорти йўқолгани, 2025 йил 25 октябрь куни элчихонадан сертификатни олиб, ушбу сертификатни Аббосия шаҳридаги “виза” берадиган жойга печать қўйдириш учун борган вақтида, орган ходимлари томонидан қўлга олингани, сўнгра уни Қоҳира шаҳридаги қамоқхонага олиб боришиб, 2025 йил 13 ноябрь кунига қадар сақлангани, 2025 йил 15 ноябрь куни “Қоҳира-Тошкент” йўналиши бўйича ҳаракатланиб, Тошкент шаҳрига келгани, уни диний билими бўлмаганлиги сабабли “Салафийлик” оқими ва “Ислом давлати” ташкилоти ғояларини қўллаб-қувватлаб, уларнинг ғоялари бўйича диний таълим олгани, кейинчалик аслида “жиҳод”ни йўқ эканлиги, ҳаммаси фитна эканлигини тушунгани, ҳозирги кунда содир қилган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб қонуний ёрдам беришни сўради.

Гарчанд, судланувчи Ж.Уролов суднинг ҳукмида қайд этилган айбга тўлиқ иқрорлик билдириб кўрсатув берган бўлса-да, унинг айби судда сўралган қуйидаги, яъни:

-“Зоом” дастури орқали гувоҳ сифатида сўралган шу иш доирасида судланиб жазо муддатини ўтаётган А.Пулатовнинг, 2019 йилда қишлоғидаги “Мир Саид Барака” жоме масжидига бориб, намоз ўқишни бошлагани, у масжидга борган вақтларида ҳамқишлоғи Ж.Нурмуминов билан тахминан 1-2 маротаба учрашиб қолгани, ўша вақтларда у масжидга бориб, таҳоратхонасига кирган вақтида, Рахмонов Мунир ва Уролов Жавахирларнинг суҳбатлашиб турганлигини кўргани, улар ўзаро суҳбатида “Содиқ Самарқандий” ва “Абдуллоҳ Зуфар”ларнинг диний илми кучли



эканлиги, улар маърузаларида тўғри гапни айтишини, Ўзбекистоннинг расмий имомларини “сарой муллалари” деб айтишгани, сўнгра уларнинг суҳбатига қўшилгани, намоз бошланишдан олдин у М.Рахмонов ва Ж.Ураловлар билан биргаликда “Содиқ Самарқандий” ва “Абдуллоҳ Зуфар”ларнинг “жиҳод” ва бошқа мазмундаги маърузаларини тинглагани, маърузалар уларнинг телефонида қўйилгани, “Абдуллоҳ Зуфар”нинг “жиҳод” ҳақидаги маърузасида “кофирларга қарши жиҳод қилиш Аллоҳ томонидан буюрилганлиги ва бошқа мавзуларда фикрлар келтириб ўтилгани бўлган, М.Рахмонов ва Ж.Ураловлар маърузаларда келтириб ўтилган фикрларни қўллаб-қувватлаб тўғри деб ҳисоблашгани, уни диний илмий бўлмаганлиги сабабли, маърузаларда келтириб ўтилган ғоялар бўйича бирор фикр билдирмагани, 2020 йилнинг август ойида ҳамқишлоғи М.Рахмонов билан учрашиб қолган вақтида, у Миср Араб Республикаси Қоҳира шаҳрида жойлашган “Ал-Азхар” университетига ўқишга бормоқчи эканлигини маълум қилгани, сўнгра унда ҳам диний илм ва араб тилини ўрганишга бўлган қизиқиш кучайиб, “Ал-Азхар” университетига ўқишга бориш фикри пайдо бўлгани, 2020 йилнинг ноябрь ойида М.Рахмонов Миср Араб Республикасига кетгани, бироқ у ўрта мактабни тугатмаганлиги ва 18 ёшга тўлмаганлиги сабабли, отаси уни кетишига рухсат бермагани, 2021 йилнинг баҳор фаслида ҳамқишлоғи М.Собиров оёғини синдириб олгани, уни кўргани у Ж.Уралов ва Ж.Эгамбердиев уччаласи бирга боришгани, у ерда Ж.Уралов ёки М.Собиров ўзига тегишли бўлган уяли алоқа воситаси орқали “Содиқ Самарқандий” ва “Абдуллоҳ Зуфар”ларнинг “жиҳод” ва бошқа мазмундаги маърузаларини қўйиб бергани ва улар биргаликда ушбу маърузаларни тинглашгани, уларнинг ҳаммалари маърузаларда келтириб ўтилган фикрларни тўғри деб ҳисоблаб, қўллаб-қувватлаганликларини, бундай йиғилишлари тахминан 4-5 мартаба турли жойларда ўтказилгани, 2021 йил 10 август куни “Тошкент-Қоҳира” йўналиши бўйича ҳаракатланиб, шу куни Миср Араб Республикасининг Қоҳира шаҳрига боргани, Қоҳира шаҳрида уни Жавохир ва Мунир кутиб олишгани ва уни Мадинату Наср шаҳарчаси 10-туманда жойлашган ўзлари истиқомат қиладиган квартирага олиб боришгани, ушбу квартирада улардан ташқари яна Қирғизистонлик “Абдурахмон” исмли бола ҳам бор бўлгани, Ж.Нурмуминов воҳа маҳалласида жойлашган қорихонада истиқомат қилиб, у ердаги ёш болаларга қаровчилик қилиб келгани, 2021 йил 31 август куни уларнинг квартирасига Ж.Уралов ҳам келиб жойлашгани, орадан биров вақт ўтганларидан сўнг, уларнинг квартирасига “Умар” келгани, “Умар” узоқ вақтдан бери Ж.Нурмуминов билан ўзаро яқиндан таниш бўлгани, ўзаро суҳбат давомида “Умар” ўзини Пастдарғом тумани, “Темирхўжа” қишлоғидан эканлигини айтгани, 2021 йилнинг сентябрь-октябрь ойларидан бошлаб Ж.Нурмуминов квартирасига келиб, унга “Сарф навх дурусул луғатул арабия” (араб тили грамматикасини ўргатади) китобидан дарс беришни бошлагани, дарслар Ж.Нурмуминовнинг бўш вақти бўлган вақтларда ўтилгани, дарсда ундан ташқари Ж.Уралов ва М.Рахмоновлар ҳам иштирок этишгани, у Ж.Нурмуминовдан 2022 йилнинг апрель ойига қадар дарс олгани, орадан тахминан 1-2 ой ўтганидан сўнг, Ж.Уралов ва М.Рахмоновлар бошқа



квартирага кўчиб кетишгани, у эса Ж.Нурмунинов билан биргаликда истиқомат қилгани, у ўша вақтларда Ж.Нурмунинов, Ж.Уралов, М.Рахмонов ва “Умар”ларнинг гапларидан “жиход”га боришга мойиллиги борлигини билгани, ўша вақтда Ж.Уралов Миср Араб Республикасига борганидан сўнг, паспортига Аббосия деган жойда “виза” қўйдирмаганлиги сабабли, Ж.Нурмуниновдан виза қўйдиришини айтиб паспортини бериб қўйгани, орадан бироз вақт ўтиб, улар кўчада бўлган вақтида полиция ходимлари Ж.Нурмуниновни квартирасига олиб келиб, квартирани тинтув қилишгани, шундан сўнг у қўл сумкасида бўлган паспортини йўқлигини кўргани, паспортини полиция олиб қўйган ёки кўчада йўқотиб қўйган бўлиши мумкинлиги, орадан бироз вақт ўтганидан сўнг, у Ж.Уралов ва М.Рахмонов билан бирга квартира топиб, ўша жойга кўчиб ўтишгани, 2022 йилнинг ноябрь ойида у “Ал-Азхар” университетига ўқишга киргани, шунингдек у Тошкентлик “Абдурахмон”дан “Тавхид” бўйича ва Тошкентлик “Иброхим”дан “Сунна” китоби бўйича диний таълим олгани, у “Абдурахмон” билан гаплашган вақтида, уни гапларидан “жиход” тўғри деб ҳисоблашини билгани, лекин у унга “жиход” ҳақида даъватлар қилмагани, 2024 йилнинг бошларида Ж.Уралов иккаласи 8-тумандаги “Тоқо” деган кўчада жойлашган квартирага кўчиб ўтгани, у ерда Тошкентлик тахминан 20 ёшда бўлган “Абдуллоҳ” ва француз миллатига мансуб бўлган фуқаро ҳам бор бўлгани, квартирада Ж.Уралов билан биргаликда истиқомат қилган вақтида, у уяли алоқа воситаси орқали “Содиқ Самарқандий”, “Абдуллоҳ Зуфар” ва “Абдували қори”ларнинг диний мазмундаги маърузаларини тинглаганига гувоҳ бўлгани, шунингдек М.Рахмонов билан биргаликда истиқомат қилган вақтида унинг ҳам “Содиқ Самарқандий” ва “Абдуллоҳ Зуфар”ларнинг диний мазмундаги маърузаларини тинглаганлигини кўргани, у “Содиқ Самарқандий”, “Абдуллоҳ Зуфар” ва “Абдували қори”ларнинг диний мазмундаги маърузаларини тақиқланганлигини билмаганлиги сабабли, уларнинг “Аллоҳни танишлик борасидаги” ва бошқа мазмундаги маърузаларини тинглагани, шу вақтлари Ж.Ураловнинг фикрини билиш мақсадида, унга араб миллатига мансуб бўлган устозининг “Давла” (ИД) жамоати АҚШнинг одамлари эканлиги ҳақидаги маърузасини қўйиб бериб, унга “Telegram” мессенджери орқали уй ижарага бериш билан шуғулланадиган одам билан танишиб қолгани, уни Сурия Араб Республикасида “Давла” таркибида эканлиги, “Давла”га бориш учун йўл бор экан, кетиш-кетмаслигини сўраганида, Ж.Уралов унга кетишини айтгани ҳақидаги;

-“Зоом” дастури орқали гувоҳ сифатида сўралган шу иш доирасида судланиб, жазо муддатини ўтаб чиққан Ж.Эгамбердиевнинг, 2020 йилнинг тахминан 1-2 декабрь куни кеч соат 01:00ларда Пастдарғом тумани “Катта Найманча” қишлоғида жойлашган ҳамқишлоғим Толиб акага тегишли бўлган бильярдхонадан яшаш уйига қайтаётган вақтида, йўлда ҳамқишлоқлари Ж.Уралов ва А.Пўлатовни учратиб қолгани, шунда Ж.Уралов унга “сигарет чекиш гуноҳ эканлиги, ўлсанг дўзахга тушасан, дўзахда ҳар-хил қийноқ турлари бор, нима сабабдан намоз ўқимайсан, сендан гавдаси катталар ҳам намоз ўқиб, жойнамозга эгилади, сен нима сабабдан жойнамозга эгилмайсан” деб сўраганида, унга ишдан бўш вақти бўлмагани сабабли намоз ўқимаслигини,



40-50 ёшга тўлганидан сўнг намоз ўқишини айтгани, А.Пўлатов унга “ҳали 40-50 ёшга кирасизми, ўлиб кетишингиз ҳам мумкин” деб айтганидан сўнг, уларни даъватлари таъсирида намоз ўқишга киришгани, шундан сўнг у Ж.Уралов ва А.Пўлатовлар билан биргаликда Пастдарғом тумани, “Катта Найманча” МФЙ марказидаги жоме масжидга бориб, намоз ўқишни бошлагани, Ж.Уралов унга Қирғизистонлик “Абдуллоҳ домла”нинг диний мазмундаги маърузаларини тинглаши керак эканлигини айтиб, унга тегишли бўлган +99899 679-81-25 рақамга “Telegram” мессенджеридида яратилган “удаленный аккаунт” номли профилидан “Абдуллоҳ домла”нинг каналини кўрсатиб, уни “Абдуллоҳ домла”нинг каналига қўшиб қўйгани, у тахминан 1 ой давомида “Telegram” мессенджеридидаги “Абдуллоҳ домла”нинг каналидан, “Абдуллоҳ домла”нинг ота-она, яхшилик қилиш ва бошқа мазмундаги диний маърузаларини эшитиб келгани, “Абдуллоҳ домла”нинг у тинглаган маърузалари орасида “жиход” ва “хижрат” ҳақидаги маърузалари йўқ бўлгани, 2021 йил 4 январь куни у, Ж.Уралов ва А.Пўлатов уччаласи биргаликда Пастдарғом тумани, “Катта Найманча” МФЙ марказидаги жоме масжидга бориб биргаликда намоз ўқигани, масжидда намоз ўқиб ташқарига чиққанларида, Ж.Уралов ундан яна диний мазмунда маъруза эшитаётганлигини сўраганида, у Ж.Ураловга фақат “Абдуллоҳ домла”нинг диний мазмундаги маърузаларини тинглаётганлигини айтганида, Ж.Уралов унга “Telegram” мессенджеридида яратилган “удаленный аккаунт” номли профилидан “Абдуллоҳ Зуфар”нинг “Zaytun shajarasi” номли каналини топиб, “Абдуллоҳ Зуфар”нинг диний билими барча имомлардан кучли эканлиги, унинг диний мазмундаги маърузаларини эшитсанг, диний билиминг ошади, маърузаларида келтириб ўтилган фикрларни барчаси тўғри” деб айтиб, “Zaytun shajarasi” номли каналига бевосита аъзо бўлмаслиги, агар ушбу каналга аъзо бўлса, уни орган ходимлари қамаб қўйиши, доимий равишда уяли алоқа воситасини пароллаб юришини, “Абдуллоҳ Зуфар”нинг маърузаларини эшитиб, сўнгра ўчириб юбориши кераклигини тушунтиргани, Ж.Ураловнинг кўрсатмасига асосан, “Telegram” мессенджеридидаги “Абдуллоҳ Зуфар”нинг “Zaytun shajarasi” номли каналидан, унинг ота-онанинг хизматини қилиш ҳақидаги, қолган фақат “жиход”, “хижрат” ҳақидаги маърузаларини эшитиб, доимий равишда уяли алоқа воситасини пароллаб юргани, “Абдуллоҳ Зуфар” маърузаларида асосан Шом диёри (Сурия давлати)га бориб “кофир”ларга қарши “жиход” қилиш кераклиги, “кофир”ларга қарши “жиход”да ҳалок бўлган одамнинг ўзи ҳамда қариндошлари вафот этганидан сўнг, ҳеч қандай савол-жавобсиз жаннатга тушишини келтириб ўтилгани, дастлаб, у “Абдуллоҳ Зуфар”нинг “жиход” ҳақидаги маърузасида келтириб ўтилган фикрларни қўллаб-қувватламагани, 2021 йил 8 январь куни у, Ж.Уралов ва А.Пўлатов уччаласи биргаликда Пастдарғом тумани, “Катта Найманча” МФЙ марказидаги жоме масжидга бориб, биргаликда намоз ўқишгани, масжидда намоз ўқиб ташқарига чиқиб ўзаро намоз ўқиш тартиби ҳақида гаплашиб туришганида, А.Пўлатов уларни уйига таклиф қилиб, биргаликда “Абдуллоҳ Зуфар”нинг маърузаларини эшитишини айтгани, шу куни А.Пўлатов ўз уйида ўзига тегишли бўлган “Red mi” русумли уяли алоқа воситаси орқали “You tube”дан “Абдуллоҳ Зуфар”нинг



тахминан 10 дақиқадан иборат бўлган диний мазмундаги видеосини қўйиб бергани, видеода “Абдуллоҳ Зуфар”нинг Сурия давлатига “жиход” қилиш, у ерда “кофир”лар қўлида қийналаётган муслима аёлларни қутқариш учун жанг қилиш кераклиги ҳақидаги фикрлари келтириб ўтилгани бўлгани, видеони қўриб бўлганларидан сўнг, Ж.Уралов А.Пўлатовга имо-ишора қилганлиги сабабли, А.Пўлатов “Абдуллоҳ домла”нинг тахминан 1 соатдан иборат бўлган киёмат ҳақидаги видеосини қўйиб бергани, видео тугагандан сўнг, А.Пўлатов унга киёмат шундай бўлади деб айтгани шундан сўнг улар яшаш уйига кетишгани, у ўша вақтларда Пастдарғом тумани, Жума шаҳридаги бозорда озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш билан шуғулланиб келгани, ишдан бўш вақтида, “Telegram” мессенжердаги “Zaytun shajarasi” номли каналдан фақат “Абдуллоҳ Зуфар”нинг асосан Сурия Араб Республикасига “жиход” қилиш ҳақидаги маърузаларини эшитгани, ўша вақтдан бошлаб, у “Абдуллоҳ Зуфар”нинг маърузаларида келтириб ўтилган фикрларни тўғри деб ҳисоблашни бошлагани, 2021 йил 22 январь куни соат тахминан 20-30ларда масжидда намоз ўқиб бўлганларидан сўнг, Ж.Ураловни яшаш уйига боргани, Ж.Уралов “You tube”дан А.Пўлатовга тегишли бўлган “Redmi” русумли уяли алоқа воситаси орқали дастлаб “Абдуллоҳ Зуфар”нинг “жиход” ҳақидаги, сўнгра Сурия давлатидаги жанг бўлаётганлиги, одамларни отиб ўлдирилганлиги тасвирланган ҳамда узун қора соқолли, кўзойнакли шахснинг жанг майдонидаги видеоларни қўйиб бергани, юқоридаги видеоларни томоша қилиб бўлганларидан сўнг, Ж.Уралов ва А.Пўлатовлар Сурия давлатида жанг бўлаётганлиги, одамларни отиб ўлдирилганлиги тасвирланган видеолардаги ҳолатларни маъқуллаб, “булар кофирларни ўлдириб, тўғри иш қилишмоқда” деб айтиб, қора соқолли, кўзойнакли шахсни “Абу Салоҳ” деб таништириб, кўрган видеолар ҳақида бирор кишига айтмаслигини, агар бирор кишига айтса, орган ходимлари ҳаммаларини қамаб қўйишини айтгани, Ж.Уралов ва А.Пўлатовлар ўзаро “Абдуллоҳ Зуфар”, “Абу Салоҳ”ларнинг “жиход” ҳақидаги видеоларда келтириб ўтилган фикрларни тўғри деб ҳисоблаб, қўллаб-қувватлашгани, ўша вақтда Ж.Уралов ва А.Пўлатовлар дастлаб унга Сурия Араб Республикасига “жиход”га бориш ҳақида айтмаган бўлса-да, уларнинг “Абдуллоҳ Зуфар” ва “Абу Салоҳ”ларнинг “жиход” ҳақидаги видеоларини диққат билан томоша қилиши ва қўллаб-қувватлашидан, уларнинг Сурия Араб Республикасига “жиход” қилиш мақсадини билгани, кейинчалик Ж.Уралов орқали Миср Араб Республикасида ўқиётган Ж.Нурмуминов билан телефон орқали танишгани, Ж.Нурмуминов билан гаплашганидан сўнг, орадан тахминан 5-6 кун ўтиб, А.Пўлатов ва Ж.Уралов билан яна А.Пўлатовга тегишли бўлган “Redmi” русумли уяли алоқа воситасидаги “Imo” мессенджери орқали Ж.Нурмуминов билан гаплашгани, у билан гаплашган вақтида уни ёнида М.Рахмонов ҳам бўлгани, Ж.Нурмуминовга Миср Араб Республикасига бориш фикридан қайтмаганлигини, бироқ ота-онаси боришига рози бўлмаётганлигини айтганида, Ж.Нурмуминов унга тушкунликка тушмаслиги, кейинчалик бир амаллаб Миср Араб Республикасига чақириб олишини, тахминан 1-1,5 йил давомида Миср Араб Республикасида диний таълим олиб, сўнгра Сурия Араб Республикасига ҳаммалари биргаликда “жиход”га бориши, Сурия Араб



Республикасига борганларидан сўнг, дарҳол жангда иштирок этмасликлари, у ерда камида 6 ой давомида жанговор ва ҳарбий тайёргарликдан ўтиб, сўнгра “кофир”ларга қарши жангларда қатнашишлари, у ерда “кофир”лар мусулмон аёлларга азоб бераётганлиги, агар “жиҳод”да ўлсак савол-жавобсиз жаннатга киришлари ҳақида даъватлар қилиб, Ўзбекистон Республикасига қайтиб келмаймиз деб айтгани, Ж.Нурмуминов ҳаммалари деб ўзи, у, Ж.Уралов, А.Пўлатов ва М.Рахмоновларни назарда тутиб гапиргани, Ж.Нурмуминовнинг ушбу гапларини Ж.Уралов, А.Пўлатов ва М.Рахмоновлар маъқуллашгани, Ж.Нурмуминовнинг юқоридаги гапларини олдинроқ Ж.Уролов ҳам унга айтгани, сўнгра улар яшаш уйига қайтиб кетишгани, 2021 йилнинг февраль ойидан 2021 йилнинг май ойига қадар А.Пўлатов, Ж.Уролов ва у намоз ўқиш учун Пастдарғом тумани “Катта Найманча” МФЙда жойлашган масжидга қатнаб юришгани, шу вақтлари Ж.Уралов ва А.Пўлатовлар унга доимий равишда бир иложини қилиб Миср Араб Республикасига боришлари кераклиги, у ерда диний таълим олиб, диний таълим олганларидан кейин Сурия Араб Республикасига бориб “жиҳод” қилишлари лозимлиги, Сурия Араб Республикасида “жиҳод”да ҳалок бўлсак, савол-жавобсиз жаннатга киришлари ҳақида даъватлар қилиб келгани, ўша вақтда уларнинг ушбу гапларини у ҳам маъқуллаб, дастлаб Миср Араб Республикасига, сўнгра Сурия Араб Республикасига “жиҳод” боришга рози бўлгани, ўша вақтларда Ж.Уралов ва А.Пўлатовлар интернет орқали “Абу Салоҳ”, “Абдуллоҳ Зуфар”, “Абдували қори”, “Абдуллоҳ Бухорий” ва бошқаларларнинг “ҳижрат”, “жиҳод” ва “шаҳидлик” тўғрисидаги маърузаларини тинглаб, қўллаб-қувватлаб, унга ҳам қўйиб бериб келишгани, 2021 йилнинг тахминан 30-31 июль куни А.Пўлатов “Telegram” мессенджери орқали видео кўнғироқ қилиб, ўзини Миср Араб Республикасига етиб келганлиги, Ж.Ураловни ҳам Миср Араб Республикасига келиши учун ҳаракат қилиб юрганлиги, уни ҳам тезроқ Миср Араб Республикасига келишини айтгани, унга бироз ишлаб, 2021 йилнинг октябр-ноябрь ойида Миср Араб Республикасига боришини айтгани, лекин Миср Араб Республикасига боролмагани, Ж.Нурмуминов ва А.Пўлатовлар унга агар Миср Араб Республикасига кела олмаса, Ўзбекистон Республикасига қайтиб, Сурхондарё вилояти орқали Афғонистонга чиқиб, “Толибон” сафига қўшилишида ёрдам беришини айтишгани, Ж.Нурмуминов “Толибон”ларни Сурия Араб Республикасида “жиҳод” қилиб юрганлар билан мақсади бир хил эканлиги, агар “Толибон”лардаги шароит яхши бўлса, улар ҳам Сурия Араб Республикасига бормасдан, “Толибон”лар сафига бориб қўшилишларини айтишгани, у Ж.Нурмуминов ва А.Пўлатовларга “Толибон” сафига қўшилиш ҳақидаги таклифига хўп деб жавоб бергани, Ж.Уралов, А.Пўлатов, Ж.Нурмуминов ва М.Рахмоновлар билан гаплашган вақтида, улар ота-онасини алдаб Миср Араб Республикасига келиши, у ерда диний таълим олиб, сўнгра Сурия Араб Республикасига ҳаммалари биргаликда “жиҳод”га бориши, у ерга боргандан сўнг жанговор ва ҳарбий тайёргарликдан ўтиб, Ўзбекистон Республикасига қайтиб келишни даъват қилиб келгани, Ж.Нурмуминов уни Миср Араб Республикасига келиши учун ҳаракат қилиб, икки мартаба авиабилет олиб бергани, бироқ кетишга имкони бўлмагани, Ж.Уралов,



А.Пулатов, Ж.Нурмуминов ва М.Рахмоновларни барчасини фикри фақат Сурия Араб Республикасига “жиход” қилиш бўлгани ҳақидаги кўрсатувлари билан;

шунингдек, судланувчи Ж.Ураловнинг айби, 03.03.2022 йилдаги шахсни фотосурат бўйича таниб олиш учун кўрсатиш тўғрисида баённома ва унга илова қилинган фотожадвал, 2022 йил 15 март кунги 17/193, 2022 йил 23 март кунги 3/142-сонли алоҳида топшириқлар, 24.03.2022 йилдаги тинтув баённома, 30.08.2022 йилдаги шахсни фотосурат бўйича таниб олиш учун кўрсатиш тўғрисида баённома, Ж.Ураловнинг ўз айбига иқрорлиги хусусида ёзган пушаймонлик хатлари, 2026 йил 6 январь кунги 17/12-сонли алоҳида топшириқ ва 2026 йил 7 январь кунги 3/4-сонли ижроси, 2026 йил 7 январь кунги 17/15-сонли алоҳида топшириқ ва 2026 йил 19 январь кунги 1271-сонли ижроси, 14.01.2026 йилдаги шахсни фотосурат бўйича таниб олиш учун кўрсатиш тўғрисида баённома ва унга илова қилинган фотожадвал, 20.01.2026 йилдаги шахсни фотосурат бўйича таниб олиш учун кўрсатиш тўғрисида баённома ва унга илова қилинган фотожадвал, жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этиш ва жиноят иши ҳужжатларига қўшиш ҳақида қарор, сўроқ баённомалари каби жиноят ишида мавжуд бошқа инкор этиб бўлмайдиган далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топди.

Суд ҳайъати, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Ж.Ураловнинг тақиқланган диний ташкилотда иштирок этишда ифодаланган жинойат хатти-ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244²-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд ҳайъати, судланувчи Ж.Ураловнинг жиноят содир этишдаги ҳолатларини муҳокама қилиб, уни айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги ва муқаддам судланмаганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни паст ниятларда содир қилганини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлари деб ҳисоблайди.

Суд ҳайъати, судланувчи Ж.Ураловга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, ЖКнинг 7, 8-моддаларида кўрсатилган инсонпарварлик ва одиллик принциплари, шунингдек Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, жамоат хавфсизлигига қарши жиноят содир этилгани ва ушбу жинойат қилмиш қонунда ўта оғир тоифага киритилганлиги муносабати билан ижтимоий хавфли ҳисобланишини назарда тутиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатиш имконияти йўқ деб ҳисоблаб, айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмагани, ёши ва шахсини ҳам эътиборга олиб, содир қилган жинояти учун қонун санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни ва жазони умумий тартибли колонияларда ўташни белгилашни;

-ашёвий далил сифатида эътироф этилган Ж.Ураловни 2026 йил 20 январь куни ҳимоячиси иштирокида сўроқ қилиш жараёни ёзиб олинган 1 дона “DVD” дискни иш ҳужжатлари билан бирга сақлашни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211, 454-457, 462, 465-468, 471-473-476-моддаларига амал қилиб, суд ҳайъати



ХУКМ ҚИЛАДИ:

Судланувчи **Уралов Жаҳонгир Ифтихор ўғли** Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244²-моддаси 1-қисмида тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244²-моддаси 1-қисми билан 5 (беш) йил 6 (олти) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташлик белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2025 йил 15 ноябрь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи **Ж.Ураловга** нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси аслича ўзгаришсиз қолдирилсин.

Ашёвий далил сифатида эътироф этилган 1 дона “DVD” диск жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлансин.

Хукмдан норози тарафлар хукм эълон қилинган кундан, судланувчи эса хукмнинг нухасини олган кундан эътиборан ўн сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судига апелляция тартибида, хукм қонуний кучга киргандан сўнг эса, кассация тартибида шикоят бериши ёки прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья: **Имзо** **М.Эргашев**

Халқ маслаҳатчилари: **Имзо** **З.Умарова**

Имзо **О.Холиқов**

Раислик қилувчи судья **М.Эргашев**
“Аслига тўғри”

